



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 22 yil « 5 » dekabr

№ 694

Toshkent sh.

### Электрон турдаги сұғурта хизматларини күрсатиши тартиби тұғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Сұғурта бозорини рақамлаштириш ва ҳаёт сұғуртаси соҳасини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тұғрисида” 2021 йил 23 октябрдаги ПҚ-5265-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Сұғурта бозорини рақамлаштириш ва ҳаёт сұғуртаси соҳасини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тұғрисида” 2021 йил 23 октябрдаги ПҚ-5265-сон қарорига мувофиқ:

**сұғуртанинг барча турларини (классларини) электрон шаклда амалга оширишга рухсат берилгандығы;**

**барча сұғурта турлари бўйича сұғурта полислари Молия вазирлиги хузуридаги Сұғурта бозорини ривожлантириш агентлиги Сұғурта тўловларини кафолатлаш жамғармаси билан биргаликда юритадиган ягона автоматлаштирилган ахборот тизимида рўйхатга олиниши йўлга қўйилгандығы;**

**сұғуртанинг барча турларини (классларини) электрон шаклда сотиш ва расмийлаштириш қоидаларини, шунингдек, уларнинг ҳақиқийлигини текшириш механизмларини ўз ичига олган электрон турдаги сұғурта хизматларини күрсатиши тартибини ишлаб чиқиш белгилангандығы;**

**Сұғурта тўловларини кафолатлаш жамғармаси фаолиятини кенгайтириш ва бошқарув тизимини такомиллаштириш назарда тутилгандығы маълумот учун қабул қилинсин.**

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи Электрон турдаги сұғурта хизматларини күрсатиши тартиби тұғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансан:

**сұғуртанинг барча турларини (классларини) электрон шаклда сотиш, расмийлаштириш ва уларнинг ҳақиқийлигини текшириш сұғурта қилдирувчи ва сұғурталовчи ўртасида маълумотлар алмашинуви йўли билан сұғурта ташкилотининг ахборот тизимида, шу жумладан, интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ресурсида амалга оширилиши;**

суғурта шартномасини тузиш учун суғурта ташкилотининг ахборот тизими орқали ариза берилиши ва тегишли маълумотларнинг автоматик тарзда тўлдирилиши;

суғурта шартномаларини муддатидан олдин бекор қилиш асослари ва тартиби;

ахборот алмашинуви иштирокчилари ўртасида маълумотлар алмашинуви;

суғурта полислари рўйхатга олиниши ва уларнинг айланмаси бўйича мониторинг олиб бориш.

3. Суғурта тўловларини кафолатлаш жамғармаси Молия вазирлиги хузуридаги Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

**2022 йил 31 декабрга қадар** барча суғурта полисларини рўйхатга олувчи ва уларнинг айланмасини назорат қилувчи **ягона ахборот тизими** жорий этилишини ва барча суғурта компанияларининг ахборот тизимлари билан интеграция қилинишини таъминласин;

**2023 йил 1 марта қадар** ички ишлар органи ходимларининг иштирокисиз расмийлаштириладиган **йўл – транспорт** ҳодисаси тўғрисидаги **хабарнома онлайн тарзда юборилишини** ҳамда кўриб чиқилишини амалга ошириш бўйича ягона мобил иловани ишлаб чиқсин ва ишга туширсин;

**2023 йил 1 июлга қадар** ягона мобил илова орқали бошқа мажбурий ва ихтиёрий суғурта турлари бўйича **суғурта дъяволарига оид аризалар онлайн тарзда юборилишини** ҳамда кўриб чиқилишини амалиётга жорий этсин.

Бунда белгиланган чора-тадбирлар, шунингдек, мобил илованинг тўлақонли фаолиятини таъминлаш ва қўллаб-куватлашни молиялаштириш Суғурта тўловларини кафолатлаш жамғармаси маблағлари хисобидан амалга оширилади.

4. Молия вазирлиги хузуридаги Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги:

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда суғурта хизматлари истеъмолчилари ва суғурта муносабатларининг бошқа иштирокчилари хукуqlари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, аҳолининг суғурта бозорига ишончини оширишга ва жамиятда суғурта маданиятини ривожлантириш бўйича маълумотлар **кенг жамоатчиликка мунтазам равишда етказилишини таъминласин;**

**бир ой муддатда** Молия вазирлиги хузуридаги Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги хузуридаги “Call-марказ” хизматини ташкил этсин.

Бунда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги хузуридаги “Call-марказ” хизмати фаолияти Молия вазирлиги хузуридаги Суғурта бозорини ривожлантириш агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

**5. Қуйидагилар:**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони билан тасдиқланган 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид давлат дастурининг 136-бандига мувофиқ қишлоқ хўжалигида **суғурталаш тизимини такомиллаштириш**, шу жумладан, “**Қишлоқ хўжалиги таваккалчиликларини суғурталаш тўғрисида**”ги қонунини қабул қилиш масаласини кўриб чиқиши белгиланганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиширишини молиявий қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 6 октябрдаги ПҚ-387-сон қарорининг 4-бандига мувофиқ **қишлоқ хўжалигини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш ва суғурталашнинг янги механизмлари жорий этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.**

Молия вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргалиқда 2023 йил 1 июлга қадар илғор халқаро тажрибаларни атрофлича ўрганган ҳолда “**Қишлоқ хўжалиги таваккалчиликларини суғурталаш тўғрисида**”ги қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсан.

**6. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айrim қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.**

**7. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 3-иловага мувофиқ айrim қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.**

**8. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.**

**9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иктисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари – иктисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Кўчкоров ҳамда Ўзбекистон Республикаси молия вазири Т.А. Ишметов зиммасига юклансин.**

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**



**А. Арипов**

Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил “5” декабрдаги 694-сон қарорига  
1-илова

## **Электрон турдаги суғурта хизматларини кўрсатиш тартиби тўғрисида низом**

### **1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Электрон турдаги суғурта хизматларини кўрсатиш ва барча суғурта полисларини рўйхатга олиш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**ахборот алмашинуви иштирокчилари** – суғурта қилдирувчи, суғурта ташкилоти, Жамғарма ва Ягона ахборот тизими билан интеграциялашган вазирликлар ва идоралар;

**Жамғарма** – Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича тўловларни кафолатлаш жамғармаси;

**суғурта полиси (E-polis)** – Ягона ахборот тизими томонидан реал вақт режимида шакллантирилган серия, рақамига эга бўлган суғурта қилиш амалга оширилганлигини тасдиқловчи хужжат;

**суғурта ташкилоти** – тегишли турдаги суғуртани амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган ва суғурта шартномасига мувофиқ суғурта товони (суғурта пули) тўловини амалга ошириш мажбуриятини олувчи тижорат ташкилоти бўлган юридик шахс;

**суғурта ташкилотининг интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ресурси** – суғурта ташкилотининг расмий веб-сайтининг тегишли суғурта учун мўлжалланган қисми ёки унинг мобил иловаси;

**суғурта қилдирувчи** – суғурта ташкилоти билан электрон суғурта шартномасини тузган ва суғурта мукофоти бўйича тўловни амалга ошириш мажбуриятини олган юридик шахс ёки муомалага лаёқатли жисмоний шахс;

**Ягона ахборот тизими** – манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг ахборот тизимлари ва марказий маълумотлар базалари, жисмоний ва юридик шахслар марказий маълумотлар базалари билан интеграциялашган, суғуртанинг барча турларини (классларини) электрон шаклда амалга оширувчи ягона автоматлаштирилган ахборот тизими.

3. Суғуртанинг барча турларини (классларини) электрон шаклда сотиш, расмийлаштириш ва уларнинг ҳақиқийлигини текшириш суғурта қилдирувчи ва суғурта ташкилоти ўртасида маълумотлар алмашинуви йўли билан, **суғурта ташкилотининг ахборот тизимида, шу жумладан, интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ресурсида суғурта шартномасини тузишда**, уни Ягона ахборот тизимида рўйхатга олиш ва суғурта полисига ноёб рақам бериш орқали амалга оширилади.

Суғурта ташкилотларининг интернет жаҳон ахборот тармоғи ресурслари рўйхати Ўзбекистон Ягона суғурта порталида жойлаштирилади.

4. Шахсий маълумотларни қайта ишлашда ахборот алмашинуви иштирокчилари шахсий маълумотлар ва суғурта сири деб таснифланган маълумотларни уларга ноқонуний ёки тасодифий кириш, йўқ қилиш, ўзгартириш, блокировка қилиш, нусха олиш, тақдим этиш ва тарқатишдан, шунингдек, бошқа ноқонуний ҳаракатлардан ҳимоя қилиш учун зарур ҳуқуқий, ташкилий ва техник чораларни кўришлари шарт.

5. Суғурта шартномаларини Ягона ахборот тизими орқали расмийлаштириш суғурта ташкилотлари учун мажбурий ҳисобланади.

Ушбу мажбуриятнинг бажарилиши устидан назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда – Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги) томонидан амалга оширилади.

6. Суғурта шартномаларини расмийлаштириш, суғурта полисларини рўйхатга олиш, уларнинг ҳақиқийлигини текшириш ҳамда суғурта даъволарини кўриб чиқиш ушбу Низомга иловадаги схемага мувофиқ амалга оширилади.

## **2-боб. Суғурта шартномасини расмийлаштириш тартиби**

7. Суғурта шартномаси Ягона ахборот тизимидан суғурта қилдирувчига суғурта полиси шакллантирилганлиги ҳақида хабар бериш ва суғурта полисини юклаб олиш учун ҳавола юбориш йўли билан тузилади.

8. Суғурта шартномасининг амал қилиш муддати суғурта шартномаси ва қонунчилик хужжатларига мувофиқ белгиланади.

9. Агар суғурта полисида суғурта амал қилиши бошланишининг бошқача муддати назарда тутилмаган бўлса, суғурта шартномаси кучга кирганидан кейин юз берган суғурта ҳодисаларига нисбатан татбиқ этилади.

10. Суғурта қилдирувчи суғурта ташкилотини эркин танлаш ҳуқуқига эга.

11. Суғурта ташкилоти суғурта қилдирувчига мазкур Низомнинг 28-бандида назарда тутилган мажбуриятларни таъминлаган ҳолда суғурта шартномасини тузиш имкониятини яратиши зарур.

12. Суғурта шартномасини тузиш учун суғурта ташкилотининг ахборот тизимида, шу жумладан, интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ресурсида аризани шакллантиришда қуйидагилардан фойдаланилади:

а) идентификаторлар:

жисмоний шахслар – жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами;

юридик шахслар – солиқ тўловчининг идентификация рақами;

транспорт воситалари – транспорт воситасининг давлат рақами белгиси ва рўйхатдан ўtkazilganligi тўғрисидаги гувоҳноманинг серияси ва рақами;

кўчмас мулкнинг кадастр рақами;

б) маълумотлар:

жисмоний шахсларнинг шахсини тасдиқловчи хужжатлар тўғрисида маълумот;

кредит реестридан кўчирма;

ойлик даромади ёки иш ҳақи ҳақида;

гаров реестридан кўчирма;

ижро хужжатлари бўйича мавжуд қарздорлик;

ҳайдовчилар томонидан содир этилган йўл ҳаракати қоидабузарликлари тўғрисида.

Бунда тегишли маълумотлар давлат ахборот базаларида мавжуд бўлганда автоматик тарзда тўлдирилади.

Аризани шакллантириш учун ҳар бир суғурта тури (класси) бўйича қонунчиликка мувофиқ ушбу бандда назарда тутилган маълумотларга қўшимча равишда тақдим этиладиган маълумотлар тартиби ариза шаклида кўрсатилиади.

13. Давлат маълумотлар базаларида суғурта шартномасини тузиш учун зарур бўлган маълумотлар ёки давлат маълумотлар базалари билан техник уланиш имконияти мавжуд бўлмаган ҳолларда аризада кўрсатилган маълумотлар Ягона ахборот тизимида суғурта қилдирувчи (суғурталанган шахс)нинг аввал тузилган ва амалдаги суғурта шартномаларидағи маълумотлар билан таққосланади.

14. Суғурта қилдирувчи (суғурталанган шахс) томонидан аввал тузилган ва амалдаги суғурта шартномалари тўғрисидаги маълумотлар Ягона ахборот тизимида ҳамда давлат маълумотлар базаларида мавжуд бўлмаганда, суғурта ташкилоти аризага илова қилинган хужжатларнинг электрон ёки сканер қилинган нусхаларидағи маълумотларни текширади.

Суғурта ташкилоти томонидан юборилган аризадаги маълумотларнинг тўлиқлиги ва тўғрилиги бир иш куни ичida текширилади. Агар аризадаги маълумотлар нотўғрилиги аниқланса, маълумотларни қайта тўғриланиши тўғрисида суғурта қилдирувчига хабарнома юборилади. Агар суғурта қилдирувчи томонидан ариза берилган санадан бошлаб 24 соат давомида маълумотлар қайта текширилмаса ва/ёки тўғриланмаса, унда суғурта ташкилоти суғурта шартномасини расмийлаштириш, кўшимча киритиш ва бекор қилиш имконияти йўқлиги тўғрисида суғурта ташкилотининг интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ресурси ёки SMS-хабар орқали суғурта қилдирувчини хабардор қиласи.

15. Аризадаги маълумотлар тўлиқлиги ва тўғрилиги текширилгач, суғурта ташкилоти ушбу маълумотларни ўзининг ахборот тизими орқали Ягона ахборот тизимига суғурта шартномасини рўйхатга олиш учун юборади. Ягона ахборот тизими суғурта шартномасини рўйхатга олиш ва суғурта полисини шакллантириш учун зарур бўлган маълумотларнинг

тўлиқлигини текширади ва суғурта ташкилотига суғурта шартномаси рўйхатга олингандиги ва унга берилган ноёб рақами тўғрисида дарҳол хабар юборади.

Суғурта полисида унинг ҳақиқий эканлигини текшириш имконини берувчи QR-код кўрсатилиши лозим.

16. Суғурта ташкилоти суғурта шартномаси Ягона ахборот тизимида рўйхатга олингандиги тўғрисидаги хабарни олгандан сўнг суғурта қилдирувчига суғурта мукофоти тўловини амалга ошириши мумкинлиги тўғрисида хабар беради.

17. Суғурта қилдирувчи суғурта мукофотини тўлаши мумкинлиги тўғрисидаги хабарномани олгандан сўнг 3 календарь кун мобайнида суғурта мукофотини накд пулда ёки накдсиз тўлайди.

Суғурта мукофоти суғурта шартномасида назарда тутилган тўловдан камроқ миқдорда тўланган бўлса, суғурта ташкилоти суғурта мукофотининг тўланмаган қисми суғурта қилдирувчи томонидан 3 календарь кун муддатда тўланиши зарурлиги тўғрисида дарҳол хабарнома юборади.

Суғурта мукофоти миқдори ортиқча тўланган тақдирда, суғурта ташкилоти унинг суғурта қилдирувчига 3 календарь кун ичида қайтарилишини таъминлайди ва тегишли хабарни юборади.

18. Суғурта қилдирувчи томонидан суғурта мукофоти тўлангандан сўнг суғурта қилдирувчига ушбу Низомнинг 26-бандида белгиланган тартибда суғурта полиси берилади.

19. Суғурта қилдирувчи ўзи томонидан суғурта полисини расмийлаштириш учун суғурта ташкилотига тақдим этилаётган маълумотлар ва хужжатларнинг ҳақиқийлиги учун жавобгар ҳисобланади.

### **3-боб. Суғурта шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш тартиби**

20. Суғурта шартномаси амал қиласиган даврда суғурта шартномаси тузиш тўғрисидаги аризада кўрсатилган маълумотлар ўзгарган тақдирда амалдаги суғурта шартномасининг амал қилиши муддатидан олдин бекор қилиниши ва янги суғурта шартномаси расмийлаштирилиши шарт.

21. Суғурта шартномасининг амал қилиши куйидаги ҳолларда муддатидан олдин бекор қилинади:

юридик шахс тугатилганда ёки қайта ташкил этилганда;

суғурта қилдирувчи – жисмоний шахс вафот этганда;

суғурта шартномаси суд қарорига кўра ҳақиқий эмас деб эътироф этилганда;

суғурта шартномаси тузиш тўғрисидаги аризада кўрсатилган маълумотлар ўзгарган тақдирда.

Ҳар бир сұғурта турининг (класснинг) ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда қонунчиликка мувофиқ ушбу бандда назарда тутилганидан бошқача асослар ҳам белгиланиши мумкин.

22. Сұғурта шартномаси муддатидан олдин бекор қилинган тақдирда, сұғурта мукофотининг бир қисми сұғурта амал қилған вақтга мутаносиб равища, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, қайтарилади.

23. Сұғурта қилдирувчига (унинг қонуний вакилларига, меросхўрларига, ҳуқуқий ворисларига) сұғурта мукофотининг бир қисмини қайтариш сұғурта қилдирувчи (унинг қонуний вакиллари, меросхўрлари, ҳуқуқий ворислари) тегишли тартибда мурожаат қилған кундан бошлаб 3 календарь кун мобайнида амалга оширилади.

Бунда сұғурта қилдирувчига қайтарилиши лозим бўлган сұғурта мукофотининг бир қисми сұғурта қилдирувчининг аризасига мувофиқ янги расмийлаштирилган сұғурта полиси бўйича сұғурта мукофоти ҳисобига ўтказилиши мумкин.

#### **4-боб. Сұғурта полисларини рўйхатга олиш ва уларнинг айланмасини назорат қилиш**

24. Сұғурта полисининг амал қилиш муддати, қоида тариқасида, бир йил этиб белгиланади. Ҳар бир сұғурта турининг (классларнинг) ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ушбу Низомда назарда тутилганидан бошқача муддатлар ҳам белгиланиши мумкин.

25. Сұғурта полиси, сұғурта шартномада бошқа ҳоллар назарда тутилмаган бўлса, сұғурта мукофоти ёки биринчи бадал тўланган пайтда кучга киради.

26. Сұғурта шартномаси ягона ахборот тизимида рўйхатга олингандан ва сұғурта қилдирувчи томонидан сұғурта мукофоти тўлангандан сўнг сұғурта ташкилоти бу тўғрисида Ягона ахборот тизимиға хабар юборади.

Ягона ахборот тизими сұғурта шартномасида кўрсатилган маълумотлар асосида сұғурта полисининг тегишли серияси, рақамини шакллантиради ва сұғурта ташкилотининг ахборот тизимиға хабар беради ҳамда ушбу Низомнинг 31-бандида белгиланган тартибда сұғурта қилдирувчига хабарномани юборади.

27. Сұғурта полисларининг айланмаси Сұғурта бозорини ривожлантириш агентлиги Жамғарма билан биргаликда юритадиган Ягона ахборот тизимида рўйхатга олинади ва назорат қилинади.

#### **5-боб. Ахборот алмашинуви иштирокчилари ўртасида маълумотлар алмашинуви**

28. Сұғурта қилдирувчи ва сұғурта ташкилоти ўртасида маълумотлар алмашишда сұғурта ташкилоти қўйидагиларни таъминлашга мажбур:

сұғурта ташкилотининг ахборот тизими, шу жумладан, интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ресурсида сұғурта шартномасини тузиш имкониятидан туну күн тўлиқ фойдалана олиш;

мазкур Низомнинг 12-бандида назарда тутилган сұғурта шартномасини тузиш ҳақидаги аризани шакллантириш имкониятини яратиш;

сұғурта ташкилотининг интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ресурсида оммавий оферта сұғурта шартномасини тузиш таклифини, сұғурта қоидаларини жойлаштириш;

сұғурта шартномасини тузиш тўғрисидаги аризада сұғурта қилдирувчи томонидан аризани шакллантириш учун зарур бўлган ҳарфлар, рақамлар ва белгиларнинг минимал ҳамда максимал сони ва форматига мувофиқлигини автоматик тарзда текшириш ва агар аризадаги ёзувлар мос келмаса, номувофиқ жойларни текшириш ва тўғрилаш зарурати тўғрисида хабар бериш;

сұғурта қоидаларига мувофиқ сұғурта қилдирувчи томонидан аризада кўрсатилган маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатларнинг электрон ёки сканер қилинган нусхаларини илова қилиш;

сұғурта шартномаси тузишида Ягона ахборот тизими билан интеграциялашган вазирликлар ва идоралар ахборот тизимларидан мазкур Низомнинг 12-бандида назарда тутилган идентификатор орқали олинган маълумотларни аризада автоматик тарзда тўлдириш;

сұғурта шартномаси тузилганлиги тўғрисидаги маълумотни рўйхатдан ўтказиш ва унинг ноёб рақамини олиш учун Ягона ахборот тизимига юбориш;

сұғурта қилдирувчи томонидан сұғурта мукофоти тўлангандан сўнг сұғурта полисининг серия ва рақамини олиш учун ушбу маълумотни Ягона ахборот тизимига юбориш;

Ягона ахборот тизимида йўналтириш орқали сұғурта полиси ҳақиқийлигини текшириш имкониятини яратиш;

сұғурта мукофоти микдори, шунингдек, қонунчиликда белгиланган сұғурта мукофоти бўйича тақдим этиладиган сийловни ҳисобга олган ҳолда сұғурта мукофотининг микдори билан танишириш;

сұғурта қилдирувчи томонидан танланган сұғурта маҳсулоти учун сұғурта шартномалари, шу жумладан, сұғурта суммаси, сұғурта тарифларини ҳисоблашда ишлатиладиган коэффициентлар тўғрисидаги ва сұғурта шартномасини тузиш учун зарур бўлган бошқа маълумотларни ўз ичига олган сұғурта қоидалари ва оммавий оферта билан сұғурта шартномасини расмийлаштиришдан ва/ёки сұғурта мукофотини тўлашдан олдин танишириш;

сұғурта мукофотини нақд ёки нақдсиз тўлаш, шу жумладан, сұғурта ташкилотининг тўлов реквизитлари, ҳисобвараги, тўлов муддати ва сұғурта полисининг кучга кириши тартиби ва амал қилиш муддати

кўрсатилган тўлов ҳисобини ўз ичига олган ҳисоб-фактурами автоматик тарзда расмийлаштириш;

суѓурта мукофоти суѓурта қилдирувчи томонидан тўланмаса, суѓурта ташкилоти суѓурта қилдирувчига суѓурта шартномаси тузилмаганлиги тўғрисида хабар қилинишини таъминлаш;

суѓурта қилдирувчига суѓурта шартномаси тузилганлиги ва суѓурта полисининг серияси ва рақами тўғрисида суѓурта ташкилоти томонидан мазкур Низомнинг 32-бандидага назарда тутилган хабар бериш усулини танлаш.

29. Ҳодиса содир бўлганлиги тўғрисида билдиришнома юбориш, етказилган заарар микдорини аниқлаш, суѓурта тўловларини амалга ошириш учун жабрланувчи ёки суѓурта қилдирувчи суѓурта шартномасида белгиланган хужжатларнинг электрон ёки сканерланган нусхаларини суѓурта ташкилотига интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали юборишга ҳақли.

30. Агар ҳодиса содир бўлганлигини ва суѓурта қилдирувчи томонидан етказилган заарар микдорини тасдиқловчи хужжатлар етарли бўлмаса, суѓурта ташкилоти бу тўғрисида ушбу хужжатлар олинган кундан бошлаб уч иш куни ичидаги этишмаётган ва (ёки) нотўғри расмийлаштирилган хужжатларнинг тўлиқ рўйхатини кўрсатган ҳолда жабрланувчи ёки суѓурта қилдирувчининг электрон почта манзилига (мавжуд бўлса) ёки кўрсатилган телефон рақамига SMS-хабар орқали маълумот юбориши керак.

31. Такдим этилган хужжатларнинг тўлиқ рўйхати ва қабул қилинган санаси тўғрисида электрон маълумотнома ариза берувчига у кўрсатган электрон почта манзилига (мавжуд бўлса) юборилади ва (ёки) суѓурта ташкилотининг интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ресурсидаги ариза берувчининг шахсий кабинетида кўрсатилади.

#### **6-боб. Суѓурта қилдирувчига хабарномани юбориши ва унинг мазмунига қўйиладиган талаблар**

32. Ягона ахборот тизими томонидан суѓурта қилдирувчига электрон суѓурта шартномаси тузилганлиги, бекор килинганлиги ёки муддатидан олдин тугатилганлиги, суѓурта полисининг серияси ва рақами, суѓурта полиси бўйича суѓурта тўлови тўланганлиги тўғрисидаги хабарнома суѓурта қилдирувчининг аризада кўрсатилган телефон рақамига SMS-хабар шаклида ва (ёки) электрон почта манзилига (мавжуд бўлса) электрон хабарнома шаклида юборилади.

Бунда суѓурта қилдирувчи хабарнома юборишнинг бир ёки бир нечта усулини танлаш ҳукуқига эга.

33. Суѓурта ташкилотидан суѓурта шартномаси тузилганлиги ва суѓурта мукофоти тўланганлиги тўғрисида маълумот олгандан сўнг Ягона ахборот тизимидан суѓурта қилдирувчининг аризада кўрсатилган телефон

рақамига SMS-хабар шаклида ва (ёки) электрон почта манзилига қуйидагиларни ўз ичига олган хабарнома юборилади:

- сугурта ташкилотининг номи;
- сугурта мукофоти миқдори;
- сугурта полисининг амал қилиш муддати;
- сугурта полисининг ноёб рақами;
- сугурта объекти ва предмети;

Ягона ахборот тизимида сугурта полисининг ҳақиқийлигини текшириш учун ҳавола.

Сугурта қилдирувчи Ягона ахборот тизимининг тегишли қисмига ушбу ҳавола орқали ўтиб, сугурта полисини юклаб олиши мумкин.

34. Сугурта шартномаси муддатидан олдин бекор қилинганлиги тўғрисида электрон ёки SMS-хабар шаклида юборилган маълумот қуйидагиларни ўз ичига олади:

- сугурта шартномасининг муддатидан олдин бекор қилинганлиги бўйича матн ва санаси;
- сугурта ташкилотининг номи;
- сугурта полисининг серияси ва рақами;
- сугурта объекти ва предмети.

35. Сугурта шартномаси бўйича сугурта тўлови тўланганлиги тўғрисидаги электрон ёки SMS-хабар шаклида юборилган маълумот қуйидагиларни ўз ичига олади:

- сугурта ташкилотининг номи;
- сугурта полисининг серияси ва рақами;
- сугурта объекти ва предмети;
- сугурта тўлови амалга оширилган сана ва суммаси.
- сугурта тўлови тўланганлиги тўғрисидаги тегишли маълумот.

### **7-боб. Сугурта полисининг ҳақиқийлигини текшириш**

36. Сугурта ташкилоти, сугурта қилдирувчи ва сугурта бўйича мажбуриятнинг бажарилишини назорат қилиш бўйича ваколатли давлат органларининг ахборот тизимларини Ягона ахборот тизими билан интеграциялаш ва (ёки) Ягона ахборот тизимига сугурта полисининг серияси, рақами ва сугурта объекти идентификаторини киритиш ёки электрон қурилмада маҳсус кодни ўқиб олиш орқали сугурта полисининг ҳақиқийлигини текшириш амалга оширилади.

### **8-боб. Ягона ахборот тизимида ахборот алмашинувини тўхтатиши асослари**

37. Сугурта ташкилоти лицензиясининг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ёки бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган ва (ёки)

Ягона ахборот тизими доирасида Жамғарма ва сұғурта ташкилоти ўртасида маълумот алмашиш түғрисидаги ёзма битим бекор қилинган тақдирда:

Жамғарма Ягона ахборот тизими билан сұғурта ташкилотининг ахборот тизими ўртасида электрон сұғурта шартномасини тузиш учун зарур бўлган маълумот алмашинувини мутаносиб равища тўхтатади;

Жамғарма ўзининг расмий веб-сайтида ушбу сұғурта ташкилоти билан электрон сұғурта шартномаларини тузиш мумкин эмаслиги ва бунинг сабаблари түғрисидаги маълумотни жойлаштиради ҳамда сұғурта ташкилотининг интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ресурси билан ахборот алмашинувини мутаносиб равища тўхтатади;

Сұғурта бозорини ривожлантириш агентлиги Ўзбекистон ягона сұғурта порталига ушбу сұғурта ташкилоти билан сұғурта шартномасини тузиш мумкин эмаслиги ва сұғурта ташкилотининг интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ресурси билан ахборот алмашинуви тўхтатилганлиги (вақтинча тўхтатганлиги) түғрисидаги маълумотни жойлаштиради ҳамда сұғурта ташкилотининг интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ресурси билан ахборот алмашинувини мутаносиб равища тўхтатади;

сұғурта ташкилоти ўзининг интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ресурсида сұғурта шартномасини тузиш мумкин эмаслиги ва унинг сабаблари түғрисидаги маълумотни жойлаштиради ва электрон турдаги сұғурта хизматларини кўрсатишни мутаносиб равища тўхтатади.

38. Электрон турдаги сұғурта хизматларини кўрсатишнинг ҳар қандай босқичида хизмат кўрсатиш имкониятидан фойдаланиш чекланганлиги аниқланганда, мазкур ҳолат Жамғарма томонидан ўрганилиб, хизмат кўрсатиш имконияти тўлиқ тиклангунга қадар сұғурта ташкилотининг ахборот тизими ҳамда Жамғарма ягона ахборот тизими ўртасида интеграция тўлиқ ёки қисман тўхтатилади.

## **9-боб. Якунловчи қоидалар**

39. Мажбурий сұғуртанинг ҳар қандай турида мажбурий сұғурта бўйича тегишли лицензияси мавжуд сұғурта ташкилоти томонидан мажбурий сұғурта шартномаларини (сұғурта полисларини) расмийлаштириш сунъий равища рад этилиши сұғурта фаолияти түғрисидаги қонунчилик хужжатларини бузиш хисобланади.

40. Сұғурта қилдирувчи томонидан электрон турдаги сұғурта хизматларидан фойдаланиш орқали расмийлаштирилган сұғурта шартномалари (сұғурта полислари) бўйича сұғурта ташкилотлари томонидан воситачилик тақдирлаш тўловларини тўлаш тақиқланади.

41. Ушбу Низом талабларини бузганликда айбдор бўлган шахслар қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Электрон турдаги сұғурта хизматларини  
күрсатып тартиби тұғрисида низомга  
илова

**Сұғурта шартномаларини расмийлаштириш, сұғурта полисларини  
рўйхатта олиш, уларнинг ҳақиқийлигини текшириш  
хамда сұғурта даъволарини күриб чикиш**  
**СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддат
1-босқич	Сұғурта қилдирувчи	<p>Сұғурта шартномасини расмийлаштириш учун сұғурталовчи томонидан таклиф этиладиган усулдан фойдаланган ҳолда сұғурта шартномасини расмийлаштириш ҳақида аризани тұлдираади.</p>	Заруратга күра
2-босқич	Сұғурта ташкилоти	<p>1. Сұғурта шартномасини расмийлаштириш ҳақида аризадаги, шу жумладан, интернет жағон ахборот тармоғидаги ресурсы орқали юборилған маълумотларни текширади ҳамда шартнома түзиш учун шартнома ёки оммавий оферта шартлари билан танишиш, тасдиқлаш тұғрисида теклифини беради.</p> <p>2. Агар маълумот нотұғри ёки қисман тұлдирілген бўлса, аризадаги маълумотни қайта текшириш ва тұғрилаш ҳақида сұғурта қилдирувчига маълумот тақдим этади.</p>	Тўлик бўлмаган автоматик 1 иш кунида ёки автоматик тарзда дархол
3-босқич	Сұғурта қилдирувчи	<p>1. Сұғурта шартномасини түзиш учун шартнома ёки оммавий оферта шартлари билан танишади ва тасдиқлайди.</p> <p>2. Агар сұғурта ташкилотидан аризани қайта текшириш ва тұғрилаш ҳақида маълумот тақдим этилса, маълумотларни текширади ва тұғрилаб қайта тақдим этади.</p>	Тўлик бўлмаган автоматик тарзда 24 соат ичида
4-босқич	Сұғурта ташкилоти	<p>Сұғурта қилдирувчи томонидан тақдим этилган аризадаги маълумотлар тўлиқлиги ва тұғрилиги текширилгач, тузилған сұғурта шартномаси бўйича маълумотларни ўзининг ахборот тизими орқали ягона ахборот тизимига сұғурта шартномасини рўйхатта олиш учун юборади.</p>	Автоматик тарзда дархол

5-босқич	Сұғурта түловларини кафолатлаш жамғармасининг сұғурта турларини электрон шаклда амалга оширишни таъминловчи Ягона ахборот тизими	Тузилған шартнома бүйіча маълумотларни сақлады, унга нөб ракамини шакллантиради ва сұғурта ташкилотига юборади.	Автоматик тарзда дархол
6-босқич	Сұғурта ташкилоти	Ягона ахборот тизиміда рўйхатга олингандык түғрисидаги хабарни олгандан сўнг сұғурта қилдирувчига сұғурта мукофоти түловини амалга ошириши мумкинлиги түғрисида хабар беради.	Дархол
7-босқич	Сұғурта қилдирувчи	Сұғурта мукофоти түловини нақд ёки нақдсиз шаклда амалга оширади.	Тўлиқ бўлмаган автоматик тарзда 3 кунда
8-босқич	Сұғурта ташкилоти	Сұғурта қилдирувчи томонидан сұғурта мукофоти тўлангандан сўнг бу түғрисида Ягона ахборот тизимига хабар юборади.	Автоматик тарзда дархол
9-босқич	Сұғурта түловларини кафолатлаш жамғармасининг сұғурта турларини электрон шаклда амалга оширишни таъминловчи Ягона ахборот тизими	<ol style="list-style-type: none"><li>1. Сұғурта шартномасида кўрсатилған маълумотлар асосида сұғурта полисининг рўйхатга олиш серия ва рақамини шакллантиради ҳамда сұғурта ташкилотининг ахборот тизимига хабар беради.</li><li>2. Сұғурта қилдирувчининг телефон рақамига SMS-хабар шаклида ва/ёки электрон почта манзилига (мавжуд бўлса) электрон хабарнома шаклида маълумот юборади.</li></ol>	Автоматик тарзда дархол
10-босқич	Сұғурта қилдирувчи	Ягона ахборот тизимига сұғурта полисининг рўйхатга олиш серияси, рақами ва сұғурта объекти идентификаторини киритиш ёки электрон қурилмада маҳсус кодни ўқиб олиш орқали сұғурта полисининг ҳақиқийлигини текширади.	Заруратга кўра, тўлиқ бўлмаган автоматик тарзда

11-босқич	Сұғурталаш мажбурияти бажарилишини назорат қылувчи ваколатли органлар*	Үзларининг ахборот тизимларини Ягона ахборот тизими билан интеграциялаш орқали ёки электрон курилмада маҳсус кодни ўқиб олиш орқали сұғурта полисининг ҳақиқийлигини текширади.	Заруратга кўра, тўлиқ бўлмаган автоматик тарзда
12-босқич	Ариза берувчи	<ol style="list-style-type: none"><li>Ходиса содир бўлганда жабрланувчи ёки сұғурта қилдирувчи қонунчиликда ёки сұғурта шартномасида белгиланган хужжатларнинг электрон ёки сканерланган нусхаларини сұғурта ташкилотига, шу жумладан, интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ресурси ёки сұғурта даъволариға оид аризаларни онлайн тарзда юбориш ҳамда кўриб чиқиши бўйича ягона мобил илова орқали юборади.</li><li>Ички ишлар органи ходимларининг иштирокисиз расмийлаштириладиган йўл-транспорт ҳодисаси тўғрисидаги хабарномани онлайн тарзда ягона мобил илова орқали юборади.</li></ol>	Заруратга кўра, тўлиқ бўлмаган автоматик тарзда
13-босқич	Сұғурта ташкилоти	<ol style="list-style-type: none"><li>Жабрланувчи ёки сұғурта қилдирувчи томонидан юборилган, шу жумладан, интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ресурси ёки ягона мобил иловаси орқали келиб тушган ариза ва унга илова қилинган хужжатларни қабул қиласи, тўлиқлигини текширади ва ўзининг ахборот тизими орқали ягона ахборот тизимиға сұғурта даъвосини рўйхатга олиш учун юборади.</li><li>Қонунчилик хужжатларида ёки сұғурта шартномасида белгиланган муддатларда аризани кўриб чиқади ва тўловни амалга ошириш ёки рад этиш хақида ариза берувчига хабар беради, ўзининг ахборот тизими орқали ягона ахборот тизимиға қабул қилинган қарори бўйича маълумот юборади.</li></ol>	Тўлиқ бўлмаган автоматик тарзда
14-босқич	Сұғурта тўловларини кафолатлаш жамғармасининг сұғурта	Сұғурта ташкилотининг ахборот тизими ёки ягона мобил илова орқали келиб тушган даъвони рўйхатга олади ва сұғурта ташкилоти қабул қилинган қарори бўйича аризачига SMS-хабар	Автоматик тарзда дарҳол

	турларини электрон шаклда амалга оширишни таъминловчи Ягона ахборот тизими	шаклида ва/ёки электрон почта манзилига (мавжуд бўлса) электрон хабарнома шаклида маълумот юборади.	
--	--	---	--

\* Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати – транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурталаш маъсбурияти бажарилишини назорат қилиши бўйича;

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги – иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурталаш маъсбурияти бажарилишини назорат қилиши бўйича;

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги – шаҳар йўловчилар, автомобиль транспорти соҳасида ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурталаш маъсбурияти бажарилишини назорат қилиши бўйича;

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро авиаацияси агентлиги – ҳаво транспорти соҳасида ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурталаш маъсбурияти бажарилишини назорат қилиши бўйича;

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиши хавфсизлигини назорат қилиши инспекцияси – темир йўл транспорти соҳасида ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурталаш маъсбурияти бажарилишини назорат қилиши бўйича.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил 5 декабрдаги 694-сон қарорига  
2-илова

## Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматнинг айrim қарорлариға киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

**1.** Вазирлар Маҳкамасининг “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида” 2008 йил 24 июндаги 141-сон қарорида:

а) 1-иловада:

1-банддаги “тўловларни кафолатлаш мақсадида” сўзлари “тўловларни кафолатлаш ҳамда барча суғурта турлари бўйича Ягона ахборот тизимини шакллантириш ва юритиш мақсадида” сўзлари билан алмаштирилсин;

5-бандда:

тўртинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“барча мажбурий ва ихтиёрий суғурта, шу жумладан, ушбу суғурта турлари бўйича суғурта қилиш шартномалари тўғрисидаги маълумотлардан иборат бўлган, суғурта ҳодисалари тўғрисидаги Ягона ахборот тизимини, суғурта қилдирувчилар ва жабрланганлар тўғрисидаги шахсий маълумотларни шакллантириш, суғурта сирлари тўғрисидаги қонун хужжатларида белгиланган талабларни таъминлаган ҳолда ваколатли давлат органлари ва суғурталовчилар билан Жамғарма ўртасида кўрсатиб ўтилган маълумотларни айирбошлишни ташкил этиш;”;

олтинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Е-полислар, суғурта ҳодисалари, суғурта қилдирувчилар ва жабрланувчилар тўғрисидаги шахсий маълумотлардан иборат бўлган, Е-полисни сотиши ва расмийлаштириш бўйича ҳамда барча суғурта турлари бўйича Ягона ахборот тизимини шакллантириш ва юритиш, барча мажбурий ва ихтиёрий суғурта турлари бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини назорат қилиш бўйича ваколатли давлат органлари билан маълумотлар алмашинувини ташкил этиш”;

6-бандда:

кўйидаги мазмундаги тўртинчи – саккизинчи хатбошилар қўшилсин:

“тегишли вазирликлар ва идоралар ҳамда суғурталовчилар ўртасида барча мажбурий ва ихтиёрий суғурта турларига оид маълумотлар алмашувини таъминлашни мувофиқлаштиради;

барча мажбурий ва ихтиёрий суғурта турларини амалга ошириш ва суғурта ҳодисаларини ҳал этиш билан боғлиқ интерактив хизматларни кўрсатади ҳамда ахборот тизимларини яратади;

электрон турдаги сұғурта хизматларини күрсатишининг ҳар қандай босқичида хизмат күрсатиши имкониятидан фойдаланишининг чекланган ҳолати аниқланганда, мазкур ҳолат Жамғарма томонидан ўрганилиб, хизмат күрсатиши имконияти түлиқ тиклангунга қадар Сұғурта ташкилотининг ахборот тизими ҳамда Жамғарма ягона ахборот тизими ўртасида интеграция түлиқ ёки қисман тұхтатилади.

барча мажбурий ва ихтиёрий сұғурта турлари бүйича сұғурта статистикасини шакллантиради;

барча мажбурий ва ихтиёрий сұғурта турлари бүйича ахборот-тахлил фаолиятини амалга оширади, шу жумладан, буюртма асосида түлов эвазига”;

түртінчи – түккізінчи хатбошилар тегишлича түккізінчи – үн түртінчи хатбошилар деб ҳисоблансын;

үнинчи ва үн учинчи хатбошилардаги “мажбурий сұғурта қилиш” сүzlари “барча мажбурий ва ихтиёрий сұғурта турлари” сүzlари билан алмаштирилсін;

7-бандда:

қүйидаги мазмундаги учинчи хатбоши қүшилсін:

“барча мажбурий ва ихтиёрий сұғурта турлари бүйича ахборот-тахлил фаолиятини амалга ошириш, шу жумладан, буюртма асосида түлов эвазига”;

учинчи ва түртінчи хатбошилар тегишлича түртінчи ва бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансын;

8-банднинг бешинчи хатбошидаги “мажбурий сұғурта қилиш” сүzlари “барча мажбурий ва ихтиёрий сұғурта турлари” сүzlари билан алмаштирилсін;

9-банд қүйидаги таҳрирда баён этилсін:

“9. Жамғарманинг мол-мулки:

транспорт воситалари әгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сұғурта қилиш фаолияти билан шуғулланувчи сұғурталовчиларнинг бир йўла ва календарь тўланадиган бадаллари;

Ягона ахборот тизимидан фойдаланиш ва ушбу тизим доирасида ўзаро ахборот алмашишни ташкил қилиш учун бир йўла тўланадиган ҳамда тизимнинг тўлақонли фаолиятини таъминлаш ва қўллаб-қувватлашни молиялаштириш бўйича даврий тўловлар;

Жамғарма томонидан жабрланувчига етказилган заарар учун жавобгар шахсларга нисбатан регресс ва суброгация хуқуқини амалга оширишдан тушган маблағлар;

Жамғарманинг пул маблағларини жойлаштиришдан олинадиган даромадлар;

буортма асосида тўлов эвазига барча мажбурий ва ихтиёрий суғурта турлари бўйича ахборот-таҳлил фаолиятини амалга оширишдан олинган даромадлар;

қонунчилик хужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлар ҳисобига шаклланади”;

10-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“10. Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш фаолияти билан шуғулланувчи суғурталовчиларнинг Жамғармага бир йўла тўланадиган бадали Жамғармага бадал киритиш кунида суғурталовчи устав фондининг қонунчилик хужжатларида белгиланган энг кам миқдорининг 0,1 фоизини ташкил этади.

Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш фаолияти билан шуғулланувчи суғурталовчиларнинг Жамғармага тўланадиган календарь бадаллари суғурталовчилар томонидан йилнинг ҳар чорагида Жамғармага ўтказиладиган пул маблағларидан иборат бўлади. Календарь бадал миқдори суғурталовчи билан тузилган мажбурий суғурта шартномалари бўйича умумий суғурта суммаси ҳисобот чорагида ўсиши ҳажмидан келиб чиқиб маҳсус ваколатли давлат органи билан келишув бўйича Жамғарманинг кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

Тўланган календарь бадаллар суммаси Жамғарманинг кузатув кенгаши томонидан белгиланган миқдорга етганда суғурталовчилар томонидан календарь бадаллар тўлаш маҳсус ваколатли давлат органи билан келишган ҳолда мажбурий суғурта шартномалари бўйича умумий суғурта суммасидан келиб чиқиб тўхтатиб турилади. Мажбурий суғурта шартномалари бўйича жами суғурта суммаси ўзгарган тақдирда, суғурталовчи томонидан Жамғармага тўланган календарь бадаллар суммаси қайта ҳисобланади”;

11-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“11. Суғурталовчининг Жамғармага Ягона ахборот тизимидан фойдаланиш ва ушбу тизим доирасида ўзаро ахборот алмашишни ташкил қилиш учун тўланадиган бир йўла бадали Жамғармага бадал киритиш кунида суғурталовчи устав фондининг қонунчилик хужжатларида белгиланган энг кам миқдорининг 0,1 фоизини ташкил этади.

Бунда мазкур бадал Жамғарма билан унга аъзолик тўғрисидаги ёзма битим тузган суғурталовчилар томонидан амалга оширилмайди.

Суғурталовчининг Ягона ахборот тизимининг тўлақонли фаолиятини таъминлаш ва қўллаб-қувватлашни молиялаштириш бўйича Жамғармага даврий тўловлари суғурталовчилар томонидан йилнинг ҳар чорагида Жамғармага ўтказиладиган пул маблағларидан иборат бўлади.

Даврий тўлов миқдори маҳсус ваколатли давлат органи билан келишув бўйича Жамғарманинг кузатув кенгаши томонидан белгиланади.”;

24 ва 25-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“24. Суғурталовчи томонидан Жамғарма ва суғурталовчи ўртасида тузилган битимларда назарда тутилган Жамғарма олдидағи мажбуриятлар мунтазам равишида (хисобот даврида иккі ва ундан кўп маротаба) бажарилмаган тақдирда, шу жумладан, Жамғарманинг бу хақидаги маҳсус ваколатли давлат органига тақдим этган маълумотига асосан:

маҳсус ваколатли давлат органи томонидан ушбу суғурталовчи мажбуриятлар бажарилиши лозимлиги тўғрисида огоҳлантирилади;

суғурталовчи огоҳлантириш сабабларини бартараф этмаган тақдирда, маҳсус ваколатли давлат органининг кўрсатмасига асосан Жамғарма томонидан суғурталовчининг Ягона ахборот тизими билан ахборот алмашинуви тўхтатилиади;

маҳсус ваколатли давлат органи томонидан Ягона ахборот тизими билан ахборот алмашинуви тўхтатилишига сабаб бўлган ҳолатлар бартараф этилганлиги тўғрисида хабар берилган тақдирда, ахборот алмашинуви қайта тикланади;

Жамғарманинг кузатув кенгаши маҳсус ваколатли давлат органи билан келишган ҳолда суғурталовчи ва Жамғарма ўртасида тузилган битимни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

25. Суғурта қилиш бўйича фаолиятнинг ихтиёрий тўхтатилиши муносабати билан Жамғарма билан тузилган битимлар ихтиёрий бекор қилинганда, шунингдек, Жамғарма олдидағи мажбуриятлар бажармаганлиги учун суғурталовчи билан тузилган битимлар бекор қилинган тақдирда, суғурталовчи суғурта қилиш бўйича илгари тузилган ёзма битимлар бўйича ўз мажбуриятларини бажариши шарт”;

б) 2-илова қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

**Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини  
мажбурий суғурта қилиш бўйича тўловларни кафолатлаш  
жамғармасининг Кузатув кенгаши**

## ТАРКИБИ

- |                      |   |
|----------------------|---|
| Насритдинхожаев О.З. | – молия вазирининг биринчи ўринбосари,<br>Жамғарма кузатув кенгаши раиси  |
| Абдуллаев Б.Т.       | – ички ишлар вазирининг ўринбосари  |
| Талипов К.Ф.         | – Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги директори   |
| Абдурахимов К.А.     | – Ўзбекистон суғурта бозори профессионал қатнашчилари уюшмасининг бош директори   |
| Пекос О.А.           | – ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукумат масалалари бўйича биринчи ўринбосари |

Зокиров Л.Х.

- Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сұғурта қилиш бўйича тўловларни кафолатлаш жамғармаси директори (маслаҳат овози хуқуки билан)

*Изоҳ. Жамғарма кузатув кенгаши аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, Жамғарма кузатув кенгаши таркибига ушбу лавозимларга янгидан тайинланган шахслар киритилади”.*

в) З-илованинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“



*Бошқарув ходимларининг чекланган сони - 25 штат бирлиги.*

*Жамғарма кузатув кенгаши зарур ҳолларда бошқарув ходимларининг белгиланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаши фонди доирасида Жамғарма дирекцияси тузилмасига ўзгартишилар киритилиши ҳуқуқига эга.”*

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 15 октябрдаги 645-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари тизимида ахборот технологияларини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар дастури 50-позициясининг амалга ошириш босқичларидаги 2-бандни амалга ошириш муддатидаги “2022 йил” сўзлари “2023 йил” сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 февралдаги 80-сон қарори билан тасдиқланган Махсус электрон тизим орқали айрим фаолият турларини лицензиялаш тартиби тўғрисида ягона низомга 6-иловада:

а) 5-бандда:

“б” кичик бандга қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши қўшилсин:

“сұғурталовчининг Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сұғурта қилиш бўйича тўловларни кафолатлаш жамғармаси билан Ягона ахборот тизимидан фойдаланиш ва ушбу тизим доирасида ўзаро ахборот алмашиш тўғрисида ёзма битимнинг мавжуд бўлиши – мажбурий ва ихтиёрий сұғурта фаолияти билан шуғулланувчи сұғурталовчилар учун (транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик

жавобгарлигини мажбурий суғурта қилувчи суғурталовчилар бундан мустасно);”;

иккинчи хатбоши учинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

б) 9-бандда:

куйидаги мазмундаги олтинчи-еттинчи хатбошилар қўшилсин:

“е) суғурталовчининг Суғурта полиси маълумотларини юритиш маркази билан Ягона ахборот тизимидан фойдаланиш ва ушбу тизим доирасида ўзаро ахборот алмашиш тўғрисидаги ёзма битимнинг мавжудлиги.”;

ж) Электрон турдаги суғурта хизматларини кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низом талабларига асосан электрон суғурта хизматлари кўрсатилишини таъминлаш”;

олтинчи – ўн еттинчи хатбошилар тегишлича саккизинчи-ўн тўққизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил 5 декабрдаги 694-сон қарорига  
3-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган  
деб эътироф этилаётган қарорлари  
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Электрон турдаги суғурта хизматларини  
кўрсатиш тартибини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар  
тўғрисида” 2020 йил 14 декабрдаги 780-сон қарорининг 4 банди, шунингдек,  
қарорга илова.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг  
айрим қарорлариغا ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон  
Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий хужжатлар тўғрисида” 2021 йил  
20 апрелдаги ЎРҚ-682-сон Қонуни)” 2022 йил 4 апрелдаги 153-сон қарорига  
илованинг 958-банди.

